

# ТОШКЕНТ ХАҲИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 255 (2288)

25 декабрь, сешанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

24 декабрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда область партия комитетининг колхоз-совхоз территориялар ишлаб чиқариш бошқармаларидаги партия ташкилотчилари, колхоз-совхоз территориялар ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошқармалари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг раислари, саноат корхоналари, илмий-тектириш институтларининг директорлари, конструкторлик бюрolari ва курилиш бошқармаларининг бошқармалари, совхоз директорлари ва колхоз раислари, партия комитетларининг секретарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илгори, фан ва маданият ходимлари иштирок этдилар.

Пленум область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақовнинг «КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумининг ахбороти ва Тошкент область партия ташкилотининг область халқ хўжалиги партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Президиумининг аъзолигида кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Унда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумининг қарорлари тўла маъқуланди ҳамда Тошкент область халқ хўжалиги партия раҳбарлигини қайта қуриш ва яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди.

1963 йил январь ойида область партия конференцияларини чақириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларини ҳам кўриб чиқди. Область партия комитетининг қўйидаги составда ташкилий бюроси тузилди:

Область партия комитетининг саноат ишлаб чиқариш бўйича ташкилий бюроси: П. В. Каймаков, А. М. Илюхин, Н. Р. Мирзараҳимов, Х. Р. Музахонова ва А. А. Хўжаев ўртоқлардан иборат составда тузилди.

Область партия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бўйича ташкилий бюроси — М. А. Абдуразақов, Қ. А. Аҳмедов, П. В. Костриков, А. И. Руцкий, Э. Т. Шайхов ўртоқлардан иборат составда тузилди.

Пленум ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиумининг аъзоси Н. В. Мартинов қатнашди.

(Область партия комитетининг пленуми тўғрисидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилди).

## ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг сессияси бўлди. Сессия КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленуми қарорларига мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия комитетини — саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш бўйича комитетларини тўзд.

А. А. Хўжаев меҳнаткашлар депутатлари область Советининг саноат бўйича ижроия комитетини раиси вазифасини бажарувчи; А. М. Илюхин раис ўринбосари; А. У. Юсупова — ижроия комитетининг секретари; П. В. Каймаков, Р. Гофуров, П. А. Новосельцев, В. С. Ражабовлар ижроия комитет аъзолари қилиб тасдиқландилар.

Э. Т. Шайхов — меҳнаткашлар депутатлари область Советининг қишлоқ хўжалиги бўйича ижроия комитетини раиси; А. И. Руцкий — раиснинг биринчи ўринбосари; Қ. М. Махмудова раис ўринбосари; М. И. Эгамбердиев — ижроия комитетининг секретари; М. А. Абдуразақов; Я. К. Экибаев, В. И. Хошимовлар ижроия комитет аъзолари қилиб тасдиқландилар.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОНЛАРИНИ ЙИРИКЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССРнинг маъмурий — территориал

бўлинишини яхшилаш мақсадида қарор қилди:

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва меҳнаткашлар депутатлари область Со-

ветлари ижроия комитетларининг илтимоси қондирилиб, республиканинг қуйидаги қишлоқ районлари йириклаштирилсин:

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

1. Оржоникидзе ва Калинин районлари маркази Оржоникидзе посёлкидаги битта районга бириктирилиб, унга Калинин райони деб ном берилсин.

2. Юкори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районлари маркази Янгйибозор қишлоғидаги битта районга бириктирилиб, унга Юкори Чирчиқ райони деб ном берилсин.

3. Ўрта Чирчиқ ва Охангарон районлари маркази Тўйтепа посёлкидаги битта районга бириктирилиб, унга Ўрта Чирчиқ райони деб ном берилсин.

4. Пискент ва Бўка районлари

маркази Бўка қишлоғидаги битта районга бириктирилиб, унга Бўка району деб ном берилсин.

5. Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ районлари маркази Оққўрғон қишлоғидаги битта районга бириктирилиб, унга Оққўрғон району деб ном берилсин.

6. Янгйўл ва Чиноз районлари маркази Янгйўл шаҳридаги битта районга бириктирилиб, унга Янгйўл району деб ном берилсин.

7. Янгйўл ва Бекобод районлари маркази Димитровское қишлоғидаги битта районга бириктирилиб, унга Янгйўл району деб ном берилсин.

8. Комсомол району тугатилиб, Киров номи ва Шўрбақ қишлоқ Советларининг территорияларини Сирдарё району составига қўйиб, унга Красноармейск, Крестьянск ва Ленинобод қишлоқ Советларининг территорияларини эса Гулистон району составига олиб берилсин.

### ВЦСПС пленуми

МОСКВА, 24 декабрь. (ТАСС). Союзлар уйининг Колонна залида бутун ВЦСПСнинг ўн биринчи пленуми очилди. Пленум ишда иштирок этиш учун ишлаб чиқариш илгори, бошланғич касабасоюз ташкилотларининг ходимлари, касабасоюзларнинг республиканинг, фабрика-завад комитетларининг раислари, бир қанча корхоналар, министрликлар, бошқармалар, халқ хўжалиги кенгашларининг раҳбарлари тақдир қилинди.

Пленум кун тартибиде қуйидаги масалалар бор: 1. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумининг ахбороти ва касабасоюзларнинг вазифалари тўғрисида. 2. СССР касабасоюзларнинг XIII съездининг қарорлари тўғрисида.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан ВЦСПС раиси В. В. Гришин доклад қилди.

### ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИ САНОАТИ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Республика Халқ хўжалиги кенгаши саноатининг меҳнаткашлари партия XXII съезди қарорларини амалга ошира бориб, етти йиллик режимидаги муваффақиятлар бажариш учун курашиб, янги маҳсулот ва буюмларнинг кўпайишига эришди. 1962 йилги давлат планини ва социалистик мажбуриятини муддатидан олдин, 24 декабрда бажарилди.

Меҳнат унвондорлиги бўйича ўн бир ойлик план 102,6 процент бажарилди ва ана шу кўрсаткич бўйича олдинги мажбуриятлар йил охиригача бажарилди. Маҳсулот танқарини кўпайтириш давлат планни ҳам бажарилди.

Мамлакат йил охиригача Халқ хўжалиги кенгаши корхоналаридан пландан ташқари 10 миллионлаб сўмлик маҳсулот олади. (ЎЗТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАРИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТЛАРИ  
РАИСЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД  
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

Ўртоқ Артём Иванович Карапетовни Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1962 йил 6 июнь Фармони; Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ Иван Иванович Бурлаченкони Ўзбекистон ССР Министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1962 йил 14 июль Фармони;

Ўртоқ Хайриддин Зокирович Калоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессинал-техника таълими Давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1962 йил 15 август Фармони;

Ўртоқ Григорий Иванович Никитинскийни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессинал-техника таълими Давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1962 йил 15 август Фармони;

Ўртоқ Башир Хикматуллаевич Маъмуровни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1962 йил 13 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Рауф Соатовни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1962 йил 13 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Азиз Ҳақимович Ҳамидовни Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1962 йил 13 ноябрь Фармони;

Ўртоқ Назрулла Маннонович Манноновни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги Министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1962 йил 18 декабрь Фармони;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 22, 23, 24, 50, 121, 132, 157, 174 ва 176-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳамда Жиноят кодексини 1991 ва 1992-моддалар билан тўлдирш тўғрисидаги» 1962 йил 2 август Фармонини тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«ГРАЖДАНЛАР ТОМОНИДАН МЕХНАТСИЗ ДАРОМАДЛАР  
ҲИСОБИГА ҚУРИЛГАН ЁКИ СОЎБ ОЛИНГАН УЙЛАР,  
ДАЧАЛАР ВА БОШҚА ИМОРАТЛАРИНИ ҲАҚ ТЎЛАМАСДАН  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Гражданилар томонидан меҳнатсиз даромадлар ҳисобига қурилган ёки соғиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатларни ҳақ тўламадан олиш тўғрисида»ги 1962 йил 3 сентябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, САНОАТ, ТРАНСПОРТ,  
ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШҚА КОРХОНАЛАР  
ҲАМДА ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АВТОМОБИЛЬ  
ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ВА РЕМОНТИДА ИШТИРОК  
ЭТИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1959 ЙИЛ 4 МАРТ  
ФАРМОННИНГ 3-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОННИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, курилиш корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг автомобиль йўллари қурилишида ва ремонттида иштирок этишлари тўғрисида»ги 1959 йил 4 март Фармонининг 3-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги 1962 йил 3 сентябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«КООПЕРАТИВЛАШМАГАН КУСТАРЛАР ВА  
ХУНАРМАНДЛАРИНИ РЎХНАТГА ОЛИШ ҚОНДАЛАРИНИ  
БУЗГАНЛИК ВА ТАҚИҚЛАНГАН КАСБЛАР БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛНАДИГАН ШТРАФНИНГ  
МИҚДОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Кооперативлашмаган кустарлар ва хунармандрларни рўхнатга олиш қондаларини бузганлик ва тақиқланган касблар билан шуғулланганлик учун солинадиган штрафнинг миқдори тўғрисида»ги 1962 йил 1 октябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«ШАҲАРЛАРДА ВА ИШЧИ ПОСЕЛКАЛАРИДА ЯШОВЧИ  
ГРАЖДАНЛАРИНИ ШАХСИЙ МУЛКИДА БЎЛГАН ЧОРВА  
МОЛЛАРИ БОҚИШНИ ТАҚИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ 1959 ЙИЛ  
14 АВГУСТ ФАРМОННИНИ ТЎЛДИРИШ ҲАҚИДА»ГИ  
1962 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ФАРМОННИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида яшовчи гражданиларнинг шахсий мулкида бўлган чорва моллари боқишни тақиқлаш тўғрисида»ги 1959 йил 14 август Фармонини тўлдирш ҳақида»ги 1962 йил 7 декабрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
«ЧОРВА МОЛЛАРИГА ЭГА БЎЛИБ,  
ИЖТИМОЙ-ФОЙДАЛИ МЕХНАТ БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНМАЙДИГАН ГРАЖДАНЛАР ВА ШАХСИЙ  
БОЙИШ МАҚСАДИДА ЧОРВА МОЛЛАРИ БОҚУВЧИ  
ГРАЖДАНЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ПУЛ СОЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Чорва молларига эга бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган гражданилар ва шахсий бойиш мақсадида чорва моллари боқувчи гражданилардан олинадиган пул солиғи тўғрисида»ги 1962 йил 3 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил 22 декабрь, Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЧОРВА МОЛЛАРИГА ЭГА БЎЛИБ,  
ИЖТИМОЙ-ФОЙДАЛИ МЕХНАТ БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНМАЙДИГАН ГРАЖДАНЛАР ВА  
ШАХСИЙ БОЙИШ МАҚСАДИДА ЧОРВА  
МОЛЛАРИ БОҚУВЧИ ГРАЖДАНЛАРДАН  
ОЛИНАДИГАН ПУЛ СОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Чорва молларига эга бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган гражданилар ва шахсий бойиш мақсадида чорва моллари боқувчи гражданилардан пул солиғи олиш белгилансин.

2. Гражданиларнинг шахсий мулкида чорва моллари боқиш тақиқланган шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларида ҳамда қишлоқ жойларда қуйидагилар солиқ тўлайдилар:

а) шахсий мулкида белгиланган нормалардан ортиқ чорва моли бўлган ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданилар.

Қишлоқларда ҳамда шаҳар жойларда (шахсий мулкида чорва моллари боқиш тақиқланган шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларидан ташқари) яшовчи гражданилар учун ўз шахсий мулкида чорва моллари тутиш нормаси қуйидаги миқдордан ортиқдигани қилиб белгилансин: битта сигир ва 4 оқликча бўлган битта буюқ ёки битта эчки (сигир ўрнига) ҳамда бир ешдан ошмаган улоқ; бурдоқига боқиш учун битта чўчка ёки бир ешдан бўлган қўзсин билан бирга уртачага қўй.

б) ўз шахсий мулкида белгиланган нормалардан ошқича чорва моллари бўлган совхоз ходимлари;

в) ўз оиласидан меҳнатга қобилиятли айрим аъзолар жорий йилда ўзсиз сабаблар билан колхоз учун белгиланган меҳнат кунлари (ёки иш кунлари) ишлаган колхозчиларнинг хўжаликлари;

г) чорва молларига эга бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган меҳнатга қобилиятли гражданилар;

3. Ушбу Фармоннинг 2-моддаси «а» ва «в» бандларида кўрсатилган гражданилар ҳамда колхозчиларнинг хўжаликлари ўзлари учун белгиланган нормалардан ортиқча чорва моли сонига эга бўлганлиги учун йилига қуйидаги ставкаларда солиқ тўлайдилар:

битта сигир учун 150 сўм  
икки оқликдан катта бўлган чўчка учун 55 сўм  
бир ешдан катта бўлган қўй ёки эчки учун 15 сўм  
ишлайдиган от учун 200 сўм  
бошқа иш ҳайвони учун 100 сўм

Мажмур Фармоннинг 2-моддаси «г» бандида кўрсатилган гражданилар ўз хўжалигида бўлган ҳар бир беш чорва моли учун шу ставкалар 100 процент миқдорда қўпайтирилган ҳолда солиқ тўлайдилар.

4. Чорва молларини ўчётга олинган ва солиқ солиш 1 январга бугун моллар сонига қараб район ва шаҳар молия бўлиmlари томонидан амалга оширилади.

1 январдан кейин сотиб олинган мол учун ҳам тўла бир йиллик ставкалар бўйича солиқ олинади.

5. Солиқлар тенг ҳиссаларда 15 мартгача ва 15 августгача тўланади.

Ўз чорва молларини тайёрлаш ташкилотларига, колхоз ва совхозларга сотган чорва эгалари солиқдан ҳали нелиб етмаган тўлов муддати бўйича озод қилинади.

Чорва моллари айрим гражданиларга сотилган ва е сўйилган тақдирда эса солиқ тўлиқ миқдорда ундирилиб олинади.

6. Солиқлар белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда боқимондаларга нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланади:

а) солиқ тўлаш муддати ўтказиб юборилгач, ҳар бир ўтган кун учун 0,2 процент миқдорда пеня олинади;

б) солиқ тўлаш муддати ўтиб кетганидан кейин умумий тартибда белгиланган қондалар бўйича мажбурий жазо чоралари қўлланади.

7. Нотўғри солиқ солинганлиги юзасидан тўлов қозғоши топширилган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичиде район (шаҳар) молия бўлими мудирига шикоят қилиш мумкин.

Аризас ёки шикоят топшириш билан солиқ тўлаш ёки жазо бериш тўхтатилмайд.

8. Ушбу Фармонни қўлланиш тўғрисидаги Инструкция Ўзбекистон ССР Молия министрлиги томонидан чиқарилади.


9. Ушбу Фармон 1963 йил 1 январдан бошлаб амалга киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА

ни кўрадилар ва бу билан м  
лакатимизда коммунизм қу

# ЕРНИ БОҚСАНГ СЕНИ БОҚАДИ

„Полярная звезда“ колхози юксалиш йўлида



«...ИЛГОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ УРГАНИШ ИХ. ТИЕРИЯ ИШ ЭМАС, МОДОМИКИ, СЕНИНГ КҮР. САТКИЧЛАРИНГ ТАЯНЧ ХУЖАЛИГИДАГИ КҮР. САТКИЧЛАРДАН ПАСТ ЭКАН, СЕН ШУ ХУЖА. ЛИКНИНГ ТАЖРИБАСИНИ УРГАН, ШУ ХУЖА ЛИККА БОР, ИШЛАШНИ УРГАН...»

Н. С. ХРУШЧЕВ.

## ДЕХҚОНЧИЛИКНИНГ БОШИ ШУДГОР

КИМ ПЕН ХВА

колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □ □

Деҳқонларимиз тўрт фаслни ҳам ҳосил тақдирини ҳал қиладиган пайт, деб биладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай, қиш келди, деб қўлни чўнтакка солиб юрабەرган билан иш битмайди. Бизда ана шундай кезларда от-арава, машиналар, прицеплар ишга солинади. Фермаларда ва хонадонларда тўпланиб қолган гўнгни қаргалаб тепасига олиб чиқиб, димлаб қўйиладди.

Бригадирларимиз ҳар гектар ер ҳисобига 6-8 тоннадан маҳаллий ўғит жамғармагунча тинмайдилар. Эрта куздаёқ ҳосили батамом йиғиштириб олинган ерларга ана шундай димлаб чиритилган гўнг солиниб шудгор қилишга киришди. Ҳа, шудгорда гап кўп. Ота-боболаримиз, юз ҳайдама бир ҳайда, деб бекорга айтмаганлар. Шунинг учун ҳам биз ҳар йили деҳқончилик қиладиган барча майдонимизнинг бирон гектарини ҳам қолдирмай эрта шудгорлаймиз, негаки деҳқончилик иши шудгор қилишдан бошланади. Биз шудгор пайтида тупроққа тупроқ қўшиб борамиз. Масалан, ўтган йили ерни 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаган бўлсак, бу йил 35 сантиметр чуқурликда ағдараямиз.

Баъзибир деҳқонлар, чуқур ҳайдашнинг фойдаси йўқ, офтоб кўрмаган тупроқнинг қуввати бўлмайди, дейдилар. Тўғри, қуёш таптида меерига етиб қизмаган тупроқнинг кучи бўлмайди. Лекин унга деҳқоннинг ўзи қувват бериши керак. Масалан, чуқурдаги тупроқ юзага чиқиб қолди, дейлик. Эрта баҳорда чигит экамиз. Ташлаган уруғимиз кам қувват тупроққа эмас, чуқурроққа бориб тушади. Парварош ва озиклантириш пайтида илдииз янада пастга кетади. Демак, кўчатнинг асосий илдиизи ўтган йили қуёш ҳароратида қизиб тобига келган, бу йил эса шудгор пайтида гўнга аралашиб пастга тушиб қолган тупроқдан озикланади. Камқувват ҳисобланган тупроқнинг кўчатга ҳеч қандай дахли бўлмайди. Чунки у юзада ётади. Қизийди, кучаяди. Ҳа, тепадаги тупроқ ҳамма вақт келгуси йил ҳосили учун пишиб етилади. Шундай қилиб, ана шу етилган тупроқ гўнг солиб ағдарганимизда остига тушиб қолади. Демак, тупроқ алмашади. Хуллас шудгор пайтида тупроққа тупроқ қўшган деҳқоннинг ҳосилига ҳосил ҳам қўшилаверади.


Шу кунларда даламизда 12 та ҳайдов трактори бетўхтов ишлаяпти. Ишни икки сменада ташкил қилганмиз.

Ҳа, техника бизнинг энг яқин дўстимиз. Шунинг учун ҳам унинг қадрига етамиз. Кўз қорачиғидай сақлаймиз.

Биз 95 механизаторга эгамиз. Ҳар бир ишни ана шулар билан бамаслаҳат қиламиз. Эрта баҳорда бу азаматларимиз 1520 гектар майдонга 5-6 кунда чигитни сифатли қилиб экиб чиқдилар. Қаргалаб тажрибали механизаторларга бирктиб қўйдик. Улар ўзаро келишиб олиб икки механизатор битта агрегатни бошқарди. Ҳар бир механизатор ўзининг картасида ўзи сеялмага ўтириб

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 25 ДЕКАБРЬ, 1962 ЙИЛ.



Илгор тажрибаси минбари

Ез бўйи пешона тери тўкиб баракали меҳнат қилган, олтин куз палласида деҳқоннинг энг яқин дўсти бўлган техникадан унумли фойдаланган «Полярная звезда» колхозининг миришкор деҳқонлари мана шундай улкан хирмонларни бунда келтирдилар. Суратда: ўзининг «зангори кема»си ерда эл хирмонига 120 тонна «оқ олтин» териб тўккан моҳир механик-ҳайдовчи Ким Хин Нев.

И. Глауберзон фотоси.

## ОЗИҚЛИ ОТ ҲОРИМАС

П. АВДОНИН,

колхоз бош зоотехниги.

□ □ □

мақсадида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтиришга қарор қилиб, уч йиллик план туздик. 1965 йилга бориб, ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига қанчадан гўшт ва сут етиштирилишини қуйидаги жадвалдан кўришингиз мумкин:

ҲАР ЮЗ ГЕКТАР ҲАЙДАЛАДИГАН ЕР ҲИСОБИГА ГЎШТ ВА СУТ ЕТИШТИРИШ

|            | Гўшт | Сут |
|------------|------|-----|
| 1963 йилга | 43,2 | 244 |
| 1964 йил   | 75,0 | 298 |
| 1965 йил   | 85,0 | 350 |

Биз лавлагани етиштириш соҳасида 1965 йил даражасидан ўтиб кетдик. Чорвадорларимиз бу йил ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 34,2 центнердан (сўйилган вазнда) гўшт етиштиришлари керак эди. Улар фидокорона меҳнат қилишлари натижасида ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига салкам 37 центнердан гўшт етиштирдилар. Биз мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб 1965 йилга бориб ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 85 центнердан гўшт, 350 центнердан сут етиштиришга эришамиз.

Техника чорвадорларимизнинг ҳам яқин дўстига айланиб бораёпти. Авваллари фермадаги оғир меҳнат жараёнларини механизациялаштиришга етарли эътибор бермай келардик. Натижада кўп ишчи кучи талаб қилинарди. Бу эса етиштирилаётган маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфининг кўпайиб кетишига сабаб бўларди. Бу йил ана шундай камчиликларга барҳам бериб, техникага кенг йўл очдик. Натижада бу йил чорвачиликдан салкам 30 минг сўм

Ем-хашак тайёрлаш бригадаси аъзоларининг ҳалол меҳнатлари туфайли хўжалик чорвачилиги учун мустаҳкам озуқа базаси янгида келтирилди. Ҳа, қимматли озуқа ҳисобланган маккажўхори мана шундай — серҳосил қилиб ўстирилган эди. Ўғдаги суратда сиз кўриб турган йиғит ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи ўртоқ Цой Александр. У маккажўхориларнинг бўйини қўздан кечираёпти. Чапдаги суратда чехраси оқ мана бу аёл моҳир чўчқабўқар Цой Сара. У чўчқаларни семиртиришда ўзининг меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслиги билан бошқаларга ўрнак бўлаёпти.

А. Абалая фотоси.

Ўтган йили қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлган чорвачиликдан 48 минг 856 сўм зарар кўрдик. Хўш, бунга нима сабаб бўлди? Маълумки, меҳнатни ташкил қилиш, экинларни яхши парварош қилиб, ем-хашакни кўпайтириш чорвачиликнинг асосини ташкил қилади. Тайёрланган ем-хашакнинг миқдори гўшт ва сутнинг миқдорини белгилайди. Маккажўхори, лавлага ва нўхат экинлари чорвачиликни ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Бизнинг кўп йиллардан бери чорвачиликдан зарар кўришимизнинг асосий сабаби шунки, ана шу қимматли экинларга етарли эътибор бермай келардик. Қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик. 1961 йили силос ва дон учун атиги 103 гектар ерга маккажўхори, 5 гектар ерга лавлага эккан эдик. 241 гектар бездоримиз бўлгани ҳолда бирон гектар ҳам нўхат экмаган эдик.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари ишимизда бурилиш ясаш учун асосий қўлланма бўлди. Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев ана шу Пленумда сўзлаган ўз нутқида маккажўхори, лавлага ҳамда нўхат экинларининг чорвачиликни ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини иқтисодий анализ қилиб берди. Шундан сўнг биз колхоз мутахассислари йиғилиб экин структурасини ўзгартирдик. Бу йил 138 гектар ерга маккажўхори, 15 гектар ерга лавлага экдик. Бездорини анча қисқартирдик. Бунинг ҳисобига нўхат ҳам экдик.

Экин структурасини ўзгартириш билан бирга унинг парварошига ҳам алоҳида эътибор бера бошладик. Маккажўхори, лавлага ҳамда нўхатга тажрибали деҳқон Цой Александр бригадирлик қилди. Авваллари бу экинлардан паст ҳосил олинарди. Натижада қишнинг ярмига бориб тайёрланган озуқа тугаб қоларди. Молларни сақлаб қолтириш учун озуқани четдан сотиб олишга тўғри келарди. Бу эса маҳсулот таннаригининг белгиланганидан ошиб кетишига сабаб бўларди. Ана шу камчиликлардан Цой Александр бошлиқ бригада аъзолари тегишли хулоса чиқариб олиб, ёз бўйи пешона тери тўкиб меҳнат қилишди. Улар маккажўхори ва нўхатдан мўл ҳосил етиштирдилар. 15 гектар ердан лавлагидан пландаги 500 ўрнига 644 центнердан ҳосил олинди. Мўл-кўл ем-хашак тайёрлашимиз натижасида бу йил мўлжалдаги чорва маҳсулотларини етиштирдик. Пандаги 77 ўрнига 83 тонна гўшт, 330 тонна сут сотиб, йиллик давлат планини ошириб бажардик.

Биз ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш



